

НЕКРОНИМЛАР СЕМАНТИК СТРУКТУРАСИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кахаров Шухратбек Турсунович

Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация: ушбу мақолада ономастик типлардан ҳисобланган некронимларнинг семантик структурасига доир хусусиятлари Андижон вилояти ономастик бирликлари мисолида гуруҳларга ажратилган.

Калид сўзлар: ономастика, топоним, некроним, апеллятив, структура, семантика.

Аннотация: в данной статье описаны особенности семантической структуры некронимов, вычисленных из ономастических типов. Они разделены на группы на примере ономастических единиц Андижанской области.

Ключевые слова: ономастика, топоним, некроним, апеллятив, структура, семантика.

Жой номлари халқ тарихининг ажралмас қисми бўлиб, у тил ва маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишининг турли даврлари хусусида ўзига хос маълумотни сақлайди. Шу сабабли уларни лингвистик жиҳатдан ўрганиш амалий ва назарий характер касб этади.

Некронимлар ҳам (қабристон номлари) тил тарихи, халқ тарихи, эътиқоди, дунёқарashi, урф-одатлари билан боғлиқ ва улар асрлар давомида ўзининг мазмун-моҳиятини йўқотмасдан ҳозиргача сақланиб келмоқда. Некронимлар семантик структураси таҳлили ҳам бошқа атоқли отлар гуруҳларида бўлгани каби апеллятив лексиканинг таҳлиliga асосланади. Мазкур йўналишдаги тадқиқот натижалари мазкур типдаги объектлар номинацияси билан боғлиқ маълум хусусий ва умумий жиҳатларни очиб беришга киритишга хизмат қилади. Кўп асрлик бой маданий тарихга эга минтақамиз жой номлари, шу жумладан, некронимлар ҳам, тил бирликлари орасида нисбатан барқарор ва кам ўзгарувчан бирликлар бўлиб, улар тилнинг тарихий тараққиётининг турли даврларига оид маълумотларни ўзида сақлаган бўлади.

Андижон вилояти некронимларини семантик структураси бўйича гуруҳлаштириб, қуйидагиларни ажратиш мумкин.

Шахс отлари асос бўлган некронимлар каттагина гуруҳни ташкил этади. Ўзбек халқи қадимдан эл орасида ўзининг беминнат хизматлари билан табарруқ бўлган олим, мутафаккир, авлиё, донишманд, улуспарвар бўлган эл вакилларни ҳамиша қадрлаб келган. Шунинг учун бу каби шахсларнинг номлари билан боғлиқ бўлган некронимик объектлар катта қисмни ташкил этади. Киши номлари асосли некронимлар ҳам қатор хусусиятларига кўра ўзаро фарқланади.

Масалан, “ота” индикаторли некронимларни олсак, уларга исм, лақаб, лавозим номи, этник мансублик, касб-кор, бирор белги-хусусият номлари каби онимик ва апеллятив лексиканинг асос бўлганини кўрамиз: *Такабой ота, Шермуҳаммад ота, Мирпўстин ота, Қўчқор ота (Қўчқорли ота), Эйвой ота, Шиговул ота (Шиховсин ота), Тошмозор ота, Толмозор ота, Бувасариг ота,*

Кўкғумбаз ота, Меҳмонвалий ота, Қорабош ота, Бобоқул ота, Абдурайим ота, Абдурахмон ота, Қирғизбой ота, Сомсапаз ота, Челакчи ота, Чиничи ота, Қўшақбой ота, Ҳамрой ота, Сўфи ота, Кўктўнли ота, Кар Ҳасан ота, Ҳаваскон ота, Жалабек ота, Унгур ота, Кўчахўр ота, Гулчаман ота, Деҳқон ота кабилар.

Яна бири, “бува” (бобо) индикаторли некронимларда ҳам асос ўлароқ бир қатор лексик-семантик хусусиятларни акс эттирган онимик ва апеллятив лексиканинг қўлланганини кузатамиз: *Бобо (Бува) Саъдиддин, Бува (Бобо) Таваккал (Таваккул), Мозор бува, Ғойиб бува, Норвали бува, Охун бува, Ўрол бува, Хўжа бува, Қилич Бурҳон бува, Эшон бобо, Ҳакимхўжа Эшонбува, Занги бува, Охтон (Оқ тўн) бува* кабилар.

Шунингдек, “тўра” индикаторли шахс оти асос бўлган некронимлар ҳам вилоят кесимида мавжуд: *Асакахон тўрам, Бузрукхон тўра, Довудхонтўра, Тўрам чеки, Тўра бува, Қирғиз бува* кабилар.

Юқоридаги индикаторлар иштирокини ҳисобга олмаган ҳолда антропонимлар трансонимизацияси натижасида ясалган некронимлар ҳам катта гуруҳни ташкил этади: *Қилич Бурҳониддин қабристон, Шамсиқул қабристон, Ўрмонбек қабристон, Ҳолмурод қабристон, Эрматамин қабристон, Ҳолматдодхоҳ қабристон, Сайид Ҳайдархўжа қабристон, Охунбой қабристон, Аҳмадбек қабристон, Парти Махсум халфа қабристон* кабилар. Албатта, бу ўринда мазкур номларда иккиламчи эмас, балки учламчи номинация жараёни ҳам кечганини таъкидлаш керак: антропоним > ойконим > некроним.

Шахс оти асосида ясалган некронимлар орасида гендер хусусияти жиҳатидан аёлларга хос номларни ҳам оз миқдорда бўлса-да кузатишимиз мумкин: *Ойимча қабристон, Айшахоним қабристон, Ойим қабристон, Келинчакмозор, Оғачамозор, Оқтош момо* кабилар.

Этник мансубликни ифодалаган асослардан ясалган некронимлар ҳам катта гуруҳни ташкил этади. Бу типдаги қабристон номларини ҳам хронологик жиҳатдан тарихий ва замонавий қатламларга ажратишимиз мумкин. Тарихий номларда, асосан, қадимги этник қатламлар – уруғ, қабила номлари қўлланган бўлиб, ҳозирда уларнинг этимологияси бироз мураккаб саналади. Замонавий қатлам типларида эса ҳозирда мавжуд этносларга мансубликни ифодалаб келаётгани очиқ кўриниб туради. Масалан: *Қурама қабристон, Чумбоғич қабристон, Найман қабристон, Уйгур қабристон, Қияли қабристон, Товулди қабристон, Қипчоқ қабристон, Арғин қабристон, Ҳожитўпи, Қовоқтўпи, Рус (Садовое) қабристон, Яҳудий қабристон, Лўлилар (Дўстлик) қабристон, Тожик махалла қабристон, Татарлар қабристон, Корейлар қабристон, Қрим татарлари қабристон* кабилар.

Турли соҳа, касб-хунар, лақаб маъноларини ифодалаб шахсга ишора қилувчи ёлғиз келган ёхуд таркибий компонент бўлиб келган сўзлардан ташкил

топган некронимлар ҳам кўп қўлланган. *Этак Аълам қабристонни, Мирзабошичек қабристонни, Маллачек қабристонни, Халфа қабристонни, Хўжа қабристонни, Дастурхончи қабристонни* кабилар. Мазкур типдаги некронимларда ҳам этимон ҳисобланган бирликлар аслида антропоним ва шахс отларига ишора қилса-да, кўп ўринларда аҳоли яшаш масканлари (ойконимлар) номларининг некронимларга ўтиши ҳодисаси – трансонимизацияси кузатилади.

Халқимизда ном қўйиш анъаналарида ҳудуднинг географик реёеф хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам кўп учрайди ва бу ҳолат некронимлар семантик структурасида яққол кўриниб туради. Айниқса, “тепа” компонентли некронимлар кўп учрайди. Уларни ҳам шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бири бевосита аҳолини дафн этиш масканларининг рельеф хусусиятларини кўрсатган номлар. Бу некронимларни бирламчи номинация ўлароқ қабул қилсак бўлади. Яна бири эса иккиламчи номинация бўлиб, ойконимларнинг трансонимизацияси натижасида ясалган некронимлардир. Албатта, кейингисида қишлоқ рельефи ифодаланган бўлади. *Ўразантепа, Қўштепа, Чўққитепа, Шаҳидтепа, Узунчоқтепа, Сарвонтепа, Учтепа, Яккатепа, Жартепа, Камолтепа, Оқтепа, Қумтепа, Каттатепа, Жартепа Мингтепа* кабилар. Бу тип некронимларда етакчи компонент мақомида келган апеллятивлар хил-хусусият ёки от бўлсин, барчаси тепаликнинг белгисини ифодалаб келади ёхуд миқдорни англатган турлари ҳам худди шундай хусусиятни кўрсатади.

Некронимлар семантик структурасида ўсимлик номларининг ифодаланганини ҳам кузатамиз: *Пистамозор, Чилонзор, Қайрағочтаги, Найзақайрағоч, Қоратут, Яккатут, СаДДатаги, Толмозор, Тўрттол, Чилон, Каттатол, Бешчинор, Оқ терак қабристонни, Қораянтоқ, Тераклимозор, Бешгул, Жийдамозор, Қорагул, Бешкарам қабристонни* кабилар.

Некронимлар апеллятивлари орасида ҳайвон номларининг ҳам қўллангани кузатилади: *Отчопар қабристонни, Туямозор, Тулкиобод қабристонни, Бўрибоши қабристонни, Бўрилиқ қабристонни, Оқ эчки қабристонни, Хўкизтепа қабристонни* кабилар.

Семантик структурага оид яна бир хусусият сув ва сув объектлари билан боғлиқ апеллятивларнинг қўлланиши ҳисобланади: *Дамариқ қабристонни, Чавкандарё қабристонни, Қўшариқ қабристонни, Ширмонбулоқ қабристонни, Қорабулоқ қабристонни, Тўрткўл қабристонни, Қуруқсой қабристонни, Чашма қабристонни, Тошбулоқ қабристонни* кабилар.

Хуллас, некронимлар апеллятивларининг семантик структура бўйича таҳлили мазкур бирликлар этимологиясига аниқлик киритишга хизмат қилади. Шунингдек, номинация жараёнига доир мотивацион хусусиятларни аниқлашга ёрдам беради.